Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 12 август, шанба • № 64 (10.740) • Эркин нархда сотилади

ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ

• ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИНИНГ ҚАЙСИ ВОҚЕАЛАРИ КЎПРОҚ ЁДИНГИЗДА ҚОЛДИ?
• У СИЗГА НИМА БЕРДИ?
• МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАНДАЙ УЛУШ ҚЎШДИНГИЗ?

Биз ана шу саволлар билан турли лавозимларда ишловчи ходимлар, ҳар хил касб эгаларига мурожаат қилдик. Қуйида уларнинг фикр — мулоҳазалари баён этилади.

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

ЭЛНИ БОЙИТИШ ЙЎЛИ

П.ХОЖАНКАРОВ,
Оҳангарон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ширкатига қарашли «Муқаддас» деҳқон хўжалиги фермери:

— Мустақиллик дала меҳнаткашига эрк ва катта имтиёзлар берганлигини ҳис этдим. Томорқа ва уй-жой қуриш учун ерлар ажратилганлиги, фермерлик ҳаракатининг кенгайиши, жамоа хўжаликлари иш юритишнинг янгича усулларига ўтганликлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Бизнинг йўлимиз — элни бойитиш йўли.

Ўзим асли агрономман. Ихтисослигим бўйича кўп йиллар ишладим. Меҳнатимдан ҳурмат, қадр топдим. Турмуш шароитим яхшиланди. Кейин ер билан тиллашишни, ҳисоб-китобни яхши билганим учун фермер бўламан, дедим. Ниятимга етдим. Ҳозир 54 гектар ернинг, 74 та швед қорамоли, 60 та бия, 266 та қўй, 150 та узун жунли қора ангор эчкисининг эгасиман. Олтита улоққа чопадиган отим ҳам бор.

Фермер — ерга, халққа, меҳнатга, танлаган соҳасига меҳр қўйган фидойи деҳқон дегани, деб тушунаман. Шу боис бўлса керак, 44 гектар ердаги беда, 11 гектар майдондаги картошка, пиёз, полиз маҳсулотларидан юқори ҳосил етиштирдик. Шуни ҳам айтиш керакки, агар жамоа хўжалиги бошқаруви қўллаб — қувватламаса, фермер тез кунда синади. Бизнинг ширкат хўжалигимиз раҳбари Абдужалил Қанаев буни тўла тушуниб етган. Ҳеч нолийдиган жойимиз йўқ. Техника, ёнилғи етарли, зарур шароитлар яратилган.

Албатта, бир одам ҳеч қачон якка ўзи донг тарата олмаган. Фермер хўжалигимизда 15 киши ишлайди. Умр йўлдошим Ҳуриниса, олти фарзандим, укам Мўминжон, тажрибали чўпонлар Соатали ака, Баҳодир, Энабойлар билан биргаликда уч йил ичида юқоридаги кўрсаткичларга эришдим.

Гўшт топширишни аллақачон бошлаб юборганмиз. Сабзавот ҳосили топшириш яхши бормоқда. Шуни айтиш керакки, кўнглинг тўқ бўлса, орзуларинг ҳам кўпайиб бораверар экан. Отларга ашаддий ишқибозман. Туркманистон, Жиззах, Беловодск от заводлари билан алоқадаман. Отларнинг қорабайир зоти вилоятимизда камайиб кетганлигини ҳисобга олиб, уларни кўпайтиришга тушдим. Яна бир орзуим аҳолига қимиз етиштириб беришни йўлга қўймоқчиман.

Дилимдаги яна бир гапни ҳам айтай. Ер майдони 50 гектардан, моли 50 тадан кам бўлган фермерни фермер демаслик керак. Икки-уч гектар ер олиб, унинг умрини бекор ўтказадиган, хўжа кўрсинга фермер бўлиб олганлар ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Фермер ўзини ҳам, оиласини ҳам, элни ҳам боқа олсин. Янги қурилаётган жамиятимизнинг талаби шу.

ХАЛҚПАРВАРЛИК КУЧАЙИБ, МАЪНАВИЯТ БОЙИМОҚДА

С. МИРВАЛИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор:

— ЎТГАН тўрт йил ичида ёдда қоладиган воқеалар кўп бўлди. Мен уларни бирма-бир санаб ўтирмайман. Лекин, дилимни тўлқинлантирган, амалда халқ манфаатига хизмат қилаётган хайрли ишлар ҳақида фикрларимни баён этмоқчиман.

Истиқлол оёққа турган кунданоқ Президентимиз белгилаб берган беш тамойил асосида иш юритишимиз республика фаолиятидаги энг тўғри йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бозор муносабатларига ўтишда меҳнаткашларни мунтазам ижтимоий ҳимоялаб борилиши, шу мураккаб жараёнда илм-фанни ривожлантиришга, маънавият ва қадриятларимизни тиклашга эътиборнинг ортиши, хусусан, Улуғбек жамғармасининг, республика маънавият ва маърифат марказининг вужудга келиши чиндан ҳам диққатга лойиқ воқеалардир.

Истиқлол йиллари ичида пенсияларнинг етти марта ошганлиги, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабардор бўлиб туриш учун «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташкил қилиниши, ночор оилалар, етим-есирлар, уруш ва меҳнат ногиронлари, ёлғиз қариялари давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган фармонлар ва ҳукумат қарорлари, ўқитувчилар, шифокорларга давлат уйларининг хусусийлаштириб берилиши коммунал хизмат кўламидаги қатор имтиёзлар фикримнинг ёрқин далилидир.

Мустақиллик тарихий, бой маданий меросимизни ўзимизга қайтариб берди. Кўп йиллар давомида банди бўлиб ётган тафаккур хазиналари очила бошланди. Буюк алломалар Аҳмад Яссавий, Нақшбанд, Ат-Термизий, Амир Темур кабиларнинг ҳаёти, фаолиятини ўрганишга киришдик. Мумтоз адабиётимизда номлари бизга маълум бўлмаган намоёндалар асарлари китоб жавонларимиздан ўрин ола бошлади. Динга эътиқод қўйиш, ҳаж сафарига бориш, ҳатна тўйларини ўтказиш каби анъаналар, удум ва урф-одатларимиз яна қайта туғилди.

Мазкур йиллар ичида истиқлолга эришган халқимизнинг оддий бир фарзанди сифатида мен ҳам маънавиятимизни бойитишга озми-кўпми ҳисса қўшдим. Ўзбекистон адибларининг ҳаёти, фаолиятига доир рисолаларим чоп этилди. Буюк ёзувчи Абдулла Қодирийнинг умр йўлини тўлдирувчи маълумотлар устидаги изланишларим яхши самаралар бермоқда. Умуман олганда мустақиллик ҳар биримизнинг ҳаётимизда янги саҳифалар очмоқда.

ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИГА — ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯЛАРИ

Иқтидорли ёшлар — юрт келажаги. Мустақил республикамиз ёшлари орасида ана шундай истеъдод соҳиблари кўплаб топилади. Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ ёш созанда жаҳоннинг турли мамлакатларида, жумладан, Франция, Англия, АҚШ, Германия сингари давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда иштирок этишди. Уларнинг кўпчилиги совринли ўринларни эгаллашга муваффақ бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бундай истеъдод эгаларига катта умид билан қарамоқда. Уларни қўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Ижрочилик маҳорати билан республикамиз мусиқа санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган икки нафар ёш созанда — Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Даниил Холиқов ва Фарғона вилоятидаги 25-мусиқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Лазиз Зокиров Президент стипендиясига муносиб топилди. Бу мукофот Президентнинг академиклик гонораридан ташкил топган. Юртбошиназарига тушганларнинг биринчиси Буюк Британияда ўтказилган ёш скрипкачилар халқаро танловида мусиқа шайдоларини лол қолдирган бўлса, иккинчиси — Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика халқ чолғу асбоблари ижрочилари кўрик-танловида моҳир ғижжакчи сифатида шуҳрат қозонган.

9 август куни Президент девонида ана шу икки ёш созандага Президент стипендиясини топшириш маросими бўлди. Унда тегишли вазирликлар, идоралар раҳбарлари, ёш санъаткорларнинг устозлари иштирок этди.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев мамлакатимиз раҳбари ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериб келаётгани тўғрисида гапирди. Республикамизда истеъдодли ёшлар кўплигини, уларни излаб топиш, Президентимиз ташаббусини кенг ёйган ҳолда, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳар бир вазирлик ва идора раҳбарларининг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Мукофотланганларга Президент стипендиялари билан бирга қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди.

Тадбирда республика Олий Мажлиси фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси А. Холмуродов иштирок этди.

(ЎзА).

ЭСКИ ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Республика мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Тошкентнинг эски шаҳар қисми қиёфаси анча ўзгарди. Бу ердаги Қорасарой, Чимбой, Форобий ва Сағбон кўчалари тўрт баравар кенгайиб, ҳар бирининг эни 50 метрга етди. Тез орада сағбонликлар бу кўчада ҳаракат фақат бир томонлама бўлганини унутиб юборишади: эндиликда Сағбон кўчасидан автобус ва троллейбуслар қатнайди, Октябрь бозоридан Қорақамиш даҳасигача йўл анча қисқаради.

Шаҳарнинг янги Бош планига мувофиқ, бу кўчалар четида, бош универсал магазин орқасида ва «Ғунча» кинотеатри ёнида янги даҳалар пайдо бўлади. Бу ерларда янги кўп қаватли уйлар қад кўтармоқда. Шу билан бир вақтда савдо, ижтимоий, маданий-маиший иншоотлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Ҳозиргача 1600 оила янги квартираларга кўчиб кирди. Йил охиригача яна 1500 квартира фойдаланишга топширилади.

ХОНАДОНДА ҚЎШ БАЙРАМ

Турсуной опа Юсупова Сағбон кўчасининг ҳар бир муюлишини яхши билади. Унинг болалиги шу ерда, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ўтган, фарзандлари Забиҳулла ва Файзулла шу ерда туғилишган. Севимли невараси Нурилло «ойи» деган ширин сўзни шу ерда биринчи бор айтган.

Мустақилликнинг тўрт йиллиги арафасида Турсуной опа янги уйга кўчиб ўтди. Унга ҳамма қулайликлари бўлган уч хонали квартира берилди. Метро бекати жуда ҳам яқин. Турсуной опа янги уй олганидан ҳам, Сағбон кўчаси чиройли ва обод бўлганидан ҳам хурсанд. Кайковус каналига қурилган янги кўприк Қўштут қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юборди.

Светлана ТЕН,
ЎзА мухбири.

Уста пахтакорлар ҳақида ҳикоялар

ДЎСТЛИК ҲОСИЛИ

БАҲОДИР Раҳмонов билан Карим Умрияевнинг бир далада кетмон чопиб, бир пиёладан чой ичиб, бир дастурхондан туз тотиб келаётганига ҳам йигирма йил бўлибди. Ўшанда Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигига бири Паркент воҳасидан, бири эса Чирчиқ дарёси соҳилларидан кўчиб келишган эди. Бу йигитлар тезда иноқлашиб, дўстлашиб кетишди. Одамнинг феъл-атвори ўхшаш, маслаги битта бўлгандан кейин айтадиган гапи ҳам бир жойдан чиқаркан.

Ўша пайтларда пахта якка ҳокимлиги ҳукм сурган, бунинг устига сув камчил, техника етишмасди. Қишлоқлар, хўжаликлар тарқоқ, бир биридан йироқ, пала-партиш жойлашганди. Қисқаси хўжаликнинг бир вақтлардаги довруғи сўниб, парокандаликка юз тутиб қолганди.

Хўжаликка Турғун Мадиёров раҳбар бўлиб келгач, орадан кўп ўтмай қишлоқлар бирлашди, пахта майдонлари йириклаштирилди. Хўжалик аста-секин қаддини тиклаб олди. Бугунги кунда у йирик Ким Пен Хва номли машҳур халқ корпорациясига айланди. Корпорация ўзининг пахтани қайта ишлаш заводига, кўплаб кичик корхоналарига эга. Асосий экин тармоғи эса ҳамон пахтачилик ҳисобланади.

Икки дўст икки бригадани бошқаришади. Ерлари ёнма-ён жойлашган эмасми, баъзан ўзаро сирлашиб, талашиб-тортишиб қолишади ва яна бирон ҳайрли қарорга келишади. Бир-бирларига омад тилаб, икки томонга тарқалишади.

Ишинг бошингдан ошиб, ташвишинг кўмғондек қайнаб ётганидан кейин бемалол ўтириб, суҳбатлашиб бўладими?

— Мен 1975 йилдан буён шу ерда ишлайман,— дейди Баҳодир Раҳмонов.— Ўтган йиллар мобайнида ҳамкасбим Карим Умрияев билан мунтазам мусобақалашиб келаяпмиз. Бирор йил йўққи, режамиз ошириб уддаланмаган бўлсин. Бунинг ҳаммаси мусобақа самараси. Ютқазган аччиқланмайди. Ютган мақтанмайди.

Баҳодир ҳақ. Унинг жамоаси 1994 йилдан 101 гектар ерга «Фарғона-4» чигит навини экиб, баракали меҳнат қилди. Кузда кўзланганидан анча кўп ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримга ҳар томонлама пухта тараддуд кўрган ҳолда

Зарбдор 45 кун

тушилганлиги ўз самарасини берди. Биринчи теримдаёқ ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олинди. Йил якунида эса, Баҳодир Раҳмонов бригадасида ҳосилдорлик 37 центнерга, Карим Умрияев жамоасида эса 36,8 центнерга етгани маълум бўлди.

Биз Баҳодир Раҳмонов бригадасида олиб борилган ишлар билан танишдик. Иккала жамоа меҳнат ютуғида бевосита шу ерда ишлаётган ҳар бир деҳқоннинг ўз улуши бор.

Карим Умрияев даласида кеча-кундуз ғўза суғориб, ер чопиб, ўғит ташиб, офтобда қорайиб, гармсел шамолидан қўллари ёрилиб кетган Абдужалил Муродов, Собир Тошбоев, Раҳмон Турдибоев, Бердиёр Анваров, Ҳуррият Мақсудова, Ҳурсаной Эргашева, Маърифат Ҳасановаларнинг фидойиликларини ҳамма билади.

Жорий йилда ҳам мусобақадош пахтакорлар учун экиш мавсуми қулай келди. Эрта кўкламда асосий майдонларда чигит ернинг ўз табиий намига ундириб олинди. Яганалаш ишлари қисқа фурсатларда ўтказилди. Айни пайтда ғўзаларга ишлов бериш, суғориш ишлари бир-бирига қўшиб олиб борилди.

Ҳар икки бригада аъзолари ўз саркорлари тиниб-тинчимаслигини яхши билишади. Улар эрталаб, тушликда ва кечки пайт пайкалларни эринмай айланиб чиқишади. Ўз жамоа аъзоларига суянганликларидан, барча агротехника тадбирларини бамаслаҳат амалга оширишни хуш кўрганликларидан шундай қилишади.

— Ўтган йили ҳосилдорлик 37 центнерга олиб чиқилган экан. Бу йил ҳам шу маррага эришиладими?

Бригадир кундалик дафтар тутган. Ўтган йил шу вақтдаги аҳвол билан ҳозиргисини солиштириб кўринг. У кундаликни зеҳн билан варақлади.

— Ўтган йили шу пайтда ҳар туп ғўзада тўрт-бештадан кўсак бор эди. Бу йил 7-8 тадан кўп. Умуман бу йил пахтамиз анча эртаги бўлиб етилмоқда. Шуни ҳисобга олиб йиғим-теримга тайёргарликни ҳам барвақт бошлаб юбордик.

Даладан қайтар эканмиз, мусобақадош дўстларнинг ғайратлари, фидойиликларига тан бердик.

Ф. АСАДОВ.



Айни кунларда ғўзани қондириб суғориш — мўл ҳосил етиштириш омилларидан ҳисобланади. Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигининг М. Тўйчиев бошлиқ бригадаси деҳқонлари бу муҳим агротехник тадбирни сифатли ўтказиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар 42 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун замин яратмоқдалар.

СУРАТДА: бригаданинг уста сувчилари (чапдан) Акбарали Турсунбоев ва Юнусбой Қўшмуродовлар иш устида.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Далалардан дараклар

ҚЎЧҚОРБОЙ СЎЗИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

• «АНГРЕН» ширкат жамоа хўжалигида ижарачи ғаллакор Қўчқорбой Йўлдошевнинг номини бугун ҳурмат билан тилга олишадиган бўлиб қолишди. Боиси шуки, у шартнома бўйича деҳқончилик қилган 58 гектардаги ғалла майдонининг ҳар гектаридан 20 ўрнига 30 центнердан дон ўриб-янчиб олди. Ўрим-йиғим ишларини етти кунда тугаллаб, ўз сўзининг устидан чиқди.

Тадбиркор ижарачи ғалладан бўшаган майдонларга пешма-пеш такрорий экинлар экишни ҳам пухта режалаштириб қўйган эди. Ҳозир у ана шундай майдонларнинг катта қисмига маккажўхори экишни тугалламоқда.

ТУМАНДА ПЕШҚАДАМ

• Қиш ғамини ёз егин, деганлар. Бу халқ мақолига амал қилиб келаётган «Ангрен» ширкат жамоа хўжалигининг чорвадорлари қишли-қировли кунларга ҳозирдан пухта тараддуд кўрмоқдалар. Ахир 487 бош қорамолни тўйдириб боқиш, қишдан талофатсиз олиб чиқишнинг ўзи бўлмайди.

Бу йил хўжаликда 700 тонна табиий пичан, беда хашаги, 230 тонна сомон, 600 тонна сенаж, 2 минг тонна силос тайёрлаш режалаштирилган. Ҳозир ишларнинг бориши чакки эмас.

Бугунгача қишловга 320 тонадан зиёд ҳашак, 200 тоннага яқин сомон, салкам 700 тонна сенаж жамғариб қўйилди. Ҳадемай 140 гектар майдондаги макка силос бостириш учун ўрила бошлайди.

Т. ШЕРАЛИЕВ,
Оҳангарон тумани.

ҲАР ИШДА ТАРТИБ БЎЛГАЧ

НАЗАРБЕК қишлоқ матлубот жамиятига қарашли 5-озиқ-овқат моллари дўкони таъмирланганидан кейин уч қисмга бўлиниб, озиқ-овқат, тайёр кийимлар ва уй-рўзғор буюмлари билан савдо қиладиган бўлди. Пештахталарга харидоргир ва сархил маҳсулотлар қўйилди. Энди дўконга келган киши ўзига нимаики керак бўлса ҳаммасини шу ердан топиб харид қилмоқда. Дўконга касса аппаратлари ўрнатилди. Ҳар бир турдаги маҳсулотнинг нархи ёзиб қўйилди. Бу эса ўз навбатида илгари содир бўлиб турган сингари харидорлар ҳақидан уриб қолиш каби иллатларга барҳам бериш имконини яратди.

— Булардан ташқари аҳолига хизмат кўрсатишнинг турли усулларидан фойдаланяпмиз,— дейди дўкон раҳбари С. Каримжонов.— Одамларнинг рўзғордан ортиб қолган деҳқончилик маҳсулотларини ҳам сотиб олиб, савдога чиқаряпмиз. Муҳими, аҳоли биз кўрсатаётган хизматдан миннатдор бўлса, бас.

И. СУЛТОНОВ,
Зангиота тумани.

Тадбиркорликка кенг йўл

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР

Республикамиз Президенти Ислом Каримов фермерларни «жамиятимизнинг энг фаол ва энг ишончли аъзолари», деган эди. Бу таъриф фермерларни янада ғайрат билан ишлашга ундади. Буни фермер Тоҳир Ҳайитов мисолида ҳам кўриш мумкин.

ТОҲИР ўтган йили Ўзбекистон толали экинлар тажриба станциясига қарашли фермани хусусийлаштириб олган эди. Бунинг учун унга дастлаб 13 гектар ер ажратиб берилди.

— Озуқа базасини мустаҳкамламай туриб, чорвачиликни ривожлантириб бўлмайди, — дейди Т. Ҳайитов. — Шу мақсадда бултур мен 5 гектар майдонга беда сепдим. 3 гектарга силос учун, 2 гектарга уруғлик учун маккажўхори экдим. Бундан ташқари пиёз ва бошқа сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштирдим. Парвариш ишларини намунали олиб боришимиз туфайли мўл озуқа жамғардик. Бу қишлов пайтида асқотди. Қиш-қировли кунларда ҳам сигирлар маҳсулдорлиги камаймади. Бу йилги ишларимиз ҳам ёмон эмас. Сигирлар маҳсулдорлигини ошириб боряпмиз.

— Етиштирилган маҳсулотларни қаерга олиб бориб сотмоқчисизлар?

— 21 бош соғин сигиримиз ва 2 та отимиз бор. Сутимизнинг 25-30 литрини станцияга қарашли болалар боғчасига берамиз. Қолганини келишилган нархда А. Яссавий жамоа хўжалигига ўтказамиз. Бундан ташқари станция ишчи-хизматчиларига ҳам гўшт маҳсулотлари етказиб беряпмиз.

Қимирлаган қир ошар, дейдилар. Ҳозирги замон тадбиркорликни, ишбилармонликни тақозо этади. Шу боисдан ҳам ҳаётдан орқада қолмасликка ҳаракат қилаётирмиз. Келажакда фермамиз янада кенгаяди. Наслли сигирлар олиб келмоқчимиз. Сутни қайта ишлайдиган цех очмоқчимиз. Хуллас, амалга оширадиган режаларимиз кўп.

Дарҳақиқат, Тоҳир Ҳайитовнинг ибрат бўларли ишлари етарли. Тадбиркор, ишбилармон деб шуни айтсалар керак-да. У республикамиз Мустақиллигининг тўрт йиллигини ҳам муносиб кутиб олиш, аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

А. МАТҚУЛОВ,
Юқоричирчиқ тумани.

Зарбдор 45 кун

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ бепоён пахта далаларида ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда. Яна саноқли кунлардан кейин «оқ олтин»ни йиғиб-териб олиш бошланади. Ҳозирги вақтда ҳамма хўжаликларда «Зарбдор 45 кун» давом этмоқда. Унда вилоят пахта тозалаш саноати ходимлари ҳам фаол қатнашиб, бу йилги ҳосилни тез ва соз қабул қилиб олиб, уни қайта ишлашни бошлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда эълон қилинган «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори уларни бу соҳадаги ишларни тез ва сифатли амалга оширишга нисбатан масъулиятини янада кучайтирди. Мазкур қарорда пахта йиғим-терими, уни тайёрлаш ва қайта ишлашга алоқадор бўлган барча мутасадди ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилган. Юртимиз иқтисодиётининг асоси, халқимиз фаровонлигининг негизи , ризқи-рўзимиз бўлган «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай тез ва соз йиғиштириб олиш ва қайта ишлаш чиндан шарафли бурчимиздир.

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР:

«МАВСУМНИ ШАЙ БЎЛИБ КУТИБ ОЛАМИЗ»

ПАХТА тозаловчилар бу қарорда ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни тўла бажаришга астойдил киришдилар. Вилоят пахта саноати эса кенг қамровли хўжаликдир. Унинг таркибида пахтани тозаловчи саккизта завод, йигирма тўртта тайёрлов пункти бор. Уларда ишлатиладиган турли-туман машина-механизмлар, асбоб-ускуналар сонини эса санаб саноғига етолмайсиз. Бироқ шундай мураккаб хўжаликни янги мавсумга кўнгилдагидек тайёрлаш талаб этилади.

Шунинг учун ҳам вилоят пахтани харид қилиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотини сотиш давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси бу муҳим ва масъулиятли ишга анча барвақт киришди. Ҳар бир корхона ёки пунктда ўтган йилги ҳосилни қайта ишлаш ниҳоясига етказилиши кутиб ўтирилмади. Ҳам қайта ишлаш, ҳам тайёргарлик ишлари олиб борилаверди. Асосий ишни тугатган ишчи кучлари тайёргарлик ишларига жалб қилинаверди.

— Янги йил пахта ҳосилини қабул қилишга тайёргарлик ишларини март ойидаёқ бошлаб юбордик.— дейди бирлашманинг етакчи мутахассис-агрономи Озод Назирович ҚОСИМОВ.— Бу йил ҳосил барвақт етилишини ҳисобга олдик. Шунинг учун бирлашмамиз бўйича янги мавсумга таёргарлик ишларини уюштириш ва унинг боришини назорат қилиш бўйича махсус комиссия тузилди. Унинг таркибига турли соҳа мутахассислари жалб қилинди.

Умуман, бирлашма раҳбарлиги ҳамма бўлинмаларда пахтани қайта ишлаш қатори янги мавсумга ҳозирлик ишларини назорат остига олди. Тузилган комиссия аъзолари барча завод ва пунктларни навбатманавбат текширдилар. Ҳар бир машина-механизм, асбоб-ускуна, қўшимча мосламалар, бинолар таъмирланишини, пахта хирмонлари уюладиган майдончалар ҳолатини синчковлик билан назоратдан ўтказдилар.

Бирлашма маъмурияти пахта қабул қилиш пунктлари жамоаларининг ҳосилни қабул қилишга пухта ҳозирлик кўришдан моддий манфаатдорлигини ошириш йўлларини ҳам ишга солди. Бунинг учун маблағ ажратди. Бу ҳам тайёргарлик ишларининг сифатли боришига муайян даражада ижобий таъсир қилди. Шу йилнинг июнь ойида «Дўстлик» пахта тайёрлов пунктида корхоналар раҳбарлари, бош муҳандислар, механиклар ва бошқа мутахассислар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда пахта пунктларининг йиғим-терим мавсумига тайёргарлиги муҳокама қилиниб, улар ўртасидаги ўзаро беллашувга якун ясалди.

Пахта тозаловчилар ўтган йили 268 минг 627 тонна «оқ олтин»ни қабул қилиб олган эдилар. Ваҳоланки, улар бундан анча кўпроқ ҳосилни қабул қилиб олиш имкониятига эга эдилар. Афсуски, вилоятда пахта етиштириш топшириғи бажарилмай қолди. Бундай аҳвол бу саноат ходимлари фаолиятига ҳам салбий таъсир қилмай қолмади. Кўрилган даромад, олинган фойда мўлжалланганидан анча кам бўлди. Лекин, пахта тозаловчилар ҳосилни қайта ишлашни тезроқ тугатиб, заводлар ва пунктларни янги мавсумга тайёрлашни жадал бошлаб юборишга эришдилар. Қайта ишлаш асосан тугади, шу кунларда унинг охирги тонналари толага айлантириляпти.

Умуман бирлашмада қанчалик катта ҳажмда тайёргарлик ишлари амалга оширилганлигини тўла тасаввур қилиш учун айрим рақамларни келтириб ўтиш ўринлидир. Мавжуд барча ғарам майдончалари тахт қилиняпти. Уларнинг сони эса салкам икки мингта. Барча майдончалар назардан ўтказилиб, текисланди. Ғарам устига ёпилиб, пахтани ёғин-сочиндан муҳофаза қиладиган ўн мингтага яқин катта-кичик ҳажмдаги брезент ёпқилар кўздан кечирилди ва уларнинг салкам мингтаси таъмирланди, юзлаб янгилари сотиб олинди. Пахтани қабул қилиб, ғарам устига узатиб берувчи 920 тадан ортиқ машина-механизмлар текширишдан ўтказилиб, анчагина қисми тузатилди, яроқсизлари янгилари билан алмаштирилди. Бундан ташқари, пахтани ўн саккиз метрга узатиб берувчи ўнлаб транспортёрлар, пахта ғарамларини бузиб, транспорт воситаларига ортиб берувчи мосламалар, вентиляторлар, тарозилар, лаборатория асбоб-ускуналари ҳам мавсумга ҳар томонлама тайёр ҳолга келтириб қўйилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Тарозибонлар, товаршунослар, лаборатория ходимлари каби «нозик» касб эгаларини ҳар йили мавсум олдидан ўқитишга доим алоҳида эътибор берилади. Чунки, хўжаликлар топшираётган пахтанинг ҳажми, нави, сифатининг аниқ бўлиши шуларга боғлиқ. Шунинг учун уларнинг вазифаси жуда масъулиятлидир. Арзимаган янглишиш давлатга ёки пахтакорга катта зарар келтириши мумкин. Уларнинг ўқишини ташкил этишдан мақсад эса ўз иши масъулиятини яна бир бор чуқур ҳис қилишларига эришишдир. Айни вақтда улар олдига қўйиладиган бошқа янги талаблардан ҳам хабардор бўладилар. Бу касб эгаларининг ҳаммаси махсус комиссия томонидан аттестациядан ўтказилди. Ўз касби сир-асрорларини чуқур эгалламаганлар эса ўз вазифасидан четлаштирилиб, ўзига, билимига яраша бошқа вазифада ишлашга ўтказилди.

Барча заводлар ва пунктлардаги энергетика ускуналари, технологик машина-механизмлар, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфидан сақлаш асбоб-анжомлари деярли таъмирлаб бўлинди. Куритиш-тозалаш бўлимлари ҳам тахт қилинди. Камчиликлари аниқланиб, дарҳол уни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар берилди ва уларнинг бажарилишидан доим кўз-қулоқ бўлиб турилди. Ҳозирги вақтда фақат Пискент пахта тозалаш заводида ўтган йилги ҳосилни қайта ишлаш давом этмоқда. У яқин бир-икки кун ичида тугайди ва ишлаётган айрим участкасида таъмирлаш ишлари тезлик билан ниҳоясига етказилади.

— Янги мавсумга тайёрланиш давомида бизга республикамиздаги қатор қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари жамоалари ёрдам бермоқдалар.— дейди бизга етакчи мутахассис.— Улар бизга буюртма қилган узеллар, эҳтиёт қисмлар ва деталларни вақтида тайёрлаб беришяпти. Айниқса, «Ўзбекпахтамош» корхонаси ишчи-хизматчиларидан миннатдормиз. Биргина шу корхона жамоаси бизга зарур эҳтиёт қисмларнинг етмиш-саксон фоизини жўнатмоқда. Бошқа қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ҳам имкониятлари борича буюртмаларни бажаряптилар. Ўзимиз ҳам тинч ўтирмадик. Бирлашмамизга қарашли устахоналарда айрим деталларни тайёрлашни йўлга қўйиб, ундан иқтисодий наф ҳам кўрдик.

Бирлашма жамоаси бу йил ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кўпроқ «оқ олтин»ни қабул қилиб олишни режалаштирган. Пахта тозаловчиларнинг мўлжали камида 280 минг 406 тонна пахтани тайёрлашга эришишдир. Аслида эса улар бундан ҳам кўп хом ашёни қабул қилиб олишлари мумкин. Бунинг учун барча имкониятлари бор. Буёғи эса пахтакорларга боғлиқ. Улар қанча кўп «оқ олтин» етиштиришса пахта тозаловчиларга ҳам шунча яхши бўлади. Мавжуд қувватлар, ишчи кучи ресурслари билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш эса қўшимча даромад келтиради. Ортиқча фойда эса ҳеч зарар қилмайди. Унинг асосий қисми пахта тозаловчилар ихтиёрида қолади. Бу ижтимоий муҳофаза ишларини янада кенгайтиришга хизмат қилади, демак, бевосита ишчи-хизматчилар оилалари фаровонлигини оширишга олиб келади.

— Барча хўжаликлар билан икки ўртада шартномалар тузишнинг ахволи қандай, бу иш тугадими ёки давом этмоқдами?— сўраймиз етакчи мутахассисдан.

— Бу жуда муҳим масала. Ўртада тузиладиган шартномада икки томоннинг вазифалари ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилади. Бизнинг зиммамиздаги асосий масъулият эса тайёрланган пахтани яхши сақлаш, ундан сифатли тола олинишини таъминлашдир. Шу ерда эътиборингизни бир нарсага қаратмоқчиман. Маълумки, ҳар бир хўжаликнинг топширган пахтаси илгаригидек умумий эмас, алоҳида-алоҳида ғарамланади. Шунинг учун ҳам улар пахта хом ашёсининг юқори навларга қабул қилиниши учун қатъий курашадилар. Хом ашё яхши бўлса ундан олинадиган тола ҳам сифатли бўлади. Бу кўп жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ. Шу сабабли ғарамланган пахта қишли-қировли кунлар таъсиридан сифатини йўқотмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳам бу ҳолат алоҳида таъкидланади. Бунинг устига бу йил пахта тайёрлаш топшириғини бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши 40 фоизгача оширилди. Топшириқдан ташқари тайёрланганлари ҳам хўжаликлар ихтиёрида қолади. Шуларнинг ҳаммаси хўжаликларнинг тола сифати яхши бўлишига нисбатан манфаатдорлигини янада оширади.

— Тайёргарлик ишлари умуман дуруст бораётган бўлса-да — дейди етакчи мутахассис,— у камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бундай нуқсонлар ҳар бир завод ёки пунктда топилади. Лекин, биз уларни тезроқ аниқлаб, бартараф этишга эришиш учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз. Жамоамиз вилоятимиз пахтакорларининг фидокорона меҳнатлари эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни тўлиқ ва тўла қабул қилаверади. Етиштирилган барча пахта хом ашёсини тўхтовсиз ғарамларга жойлаштиришга тайёрмиз.

Янги мавсумни шубҳасиз, шай бўлиб кутиб оламиз.

Суҳбатдош М. МИРҲАМИДОВ.



Маънавият устун бўлгай, остин бўлмагай!

ВИЖДОН БУЮРГАНИН ҚИЛОЛСА ИНСОН...

ЯХШИЛИК соҳиби — маънавият муаллимидир. Эзгу фазилат эгасига юлаб кўзлар тикилади. Ҳаётда таълим бермоқ улкан масъулият. Ўйлаб қилинган ишнинг охири бахайр бўлади. Мингта ваъдадан нина учидек яхшилик афзал. Сафимизда оқиллар кўп, лекин, баъзан парво қилмаймиз. Турмуш чорраҳаларида бериладиган дарслар. Атрофга ўзгача кўз ила қарамоқ лозим. Умр ўтар, қандай из қолар, ҳар бир инсон шу саволга жавоб ғамламоғи керак.

... БУНДАЙ ибратомуз гапларни ҳар биримиз неча бор эшитганмиз. Бироқ, уларга биз аҳён-аҳёндагина эътибор бериб қоламиз. Қалам аҳли ҳам бундан истисно эмас.

Бугун устида сўз юритмоқчи бўлган укахонимизни ҳам биз анча йиллардан буён биламиз. Шахсан танишмиз. Камтарин бир хизматчи сифатида адо этаётган саъоватли ишларидан бохабармиз. Оилавий шажараси, бола-чақалари, ака-укалари, дўст-биродарларини ҳам туппа-тузук биламиз.Лекин, яхши билган одаминг ҳақида ёзиш баъзан қийинга ўхшаб қоларкан. Бир томонини айтсанг, иккинчи тарафи, ўғини олсанг, буёғи қолиб кетаётганга ўхшайверади.

Одамийлик. Бировнинг бировга қайишиши, қийин кунларда елкадош бўлишлиги маъруф ва маъқул... Шодлик бўлдики, кунларнинг бирида марказий кутубхона директори — Галина Леонидовна Костереванинг ўғли қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Гангиб, нима қиларини билмаган она ўзини йўқотиб қўйди. Воқеадан воқиф бўлган Оқилхон ака вақт топиб, дарҳол ёрдамга шошилди. Аҳвол чиндан ҳам жиддий эди. Ўн олти-ўн етти яшар йигитча бошини кўтаролмай, ҳунук алфозда ётарди. Бошлиқ «тез ёрдам»ни чақирди, болани касалхонага жўнатди.Шу-шу Оқилхоннинг бир оёғи кунда-кунаро ўша ерда бўлди. Дори-дармонлар муҳайё этилди. Ёш бадан хасталикни енгди. Ярим ойлар чамаси ичида Юра тузалиб чиқди. Онанинг боши осмонга етди. «Умрлари узоқ бўлсин, бунақа одам камдан-кам топилади», деб юради ҳамон Галина Леонидовна О. Эшончаев ҳақида гап кетганда.

Иккинчи мусиқа мактабининг директори Александр Васильевич Баранцевич ҳам мамнунлик билан сўзлайди: «Шу денг, ўтган йили дафъатан касалхонага тушиб қолдим. Дардим кундан-кунга оғирлашаверди. Ҳадемай чўпдай бўлиб қолдим. Бир неча кундан сўнг палатага Оқилхон ака кириб келди. Эшитмай қолибман, деб узр сўради. Ўзим болалар уйида ўсганман. Кўнглим яримта. У кишининг далдаларидан, ширин сўзларидан кўнглим кўтарилиб, кўзимга ёш келди. Етишмаётган дориларни топиб келди. Операцияга ётганимда бошимда бўлди. Оллоҳнинг каромати, яхшининг шарофати,деганларидек, тез кунда оёққа туриб кетдим. Оқилхон Эшончаевич том маънода инсонпарвар одам. У ҳамиша-ҳамрўз барчага парвона бўлиб юради».

Ўз касбига халоллик билан содиқ бўлишлик ҳаммага ҳам насиб этавермайди. О. Эшончаев мана, ўттиз икки йилдирки, маданият деб аталган қийин соҳада садоқат билан ишлаб келмоқда. Гап унинг қандай лавозимларни эгаллаганида эмас, гап ўзи фаолият кўрсатаётган жабҳанинг равнақи учун нақадар фидойи бўлишлигидадир. Маълумки, кейинги йилларда бозор иқтисоди деганларидек, маданият тармоқларидаги аҳвол бироз мушкуллашди. Ҳамма ерда бўлгани каби «нима дейсан, маблағ етишмайди». Шундай танг кезларда ҳам Ангрен шаҳри бўйича маданият ишлари деярли оқсамади дейиш мумкин. Баайни маданият ишлари бўлими раҳбари О. Эшончаевнинг саъи-ҳаракатлари, ишбилармонлиги, уддабурронлиги туфайлигина шундай бўлди. Улкан шаҳардаги 16 та кутубхона, 3 та мусиқа мактаби, 6 та маданият уйи, ўлкашунослик музейи, 2 та маданият ва истироҳат боғларида ҳаёт ва фаолият бир маромда давом этди. Қоқилишлар сезилмади.

Бу гапларни О. Эшончаевнинг дўстлари — Ҳ. Турғунов, Ю. Қўлдошев, Р. Ҳасановларнинг оғзидан эшитдик.

— Бунга ҳомийлар билан тил топиша билиш, ташкилот ва корхоналар билан илиқ муносабатни йўлга қўйиш, қолаверса, тижорат омилларини ҳаракатга келтириш сабабли эришдик,— дейди ўлкашунослик музейи директори Алла Николаевна Юн,— табиат, қадимий тарих, ҳозирги замон тарихи, расмлар галереяси сингари бўлимларимиз фаолиятини Оқилхон ака маслаҳати билан янгича мазмун билан бойитдик. Бошқача қилиб айтганда, жумладан, бизнинг музейга кириш пуллик бўлиб қолди. Тўғри йўл тутилган экан, ҳозирги самаралар ёмон эмас. Шаҳар, вилоят, республика кўрик-конкурсларида шаҳримиз вакиллари бир неча бор ғолиб деб топилдилар. Ҳатто, хлқаро тоифадаги анжуманлар ҳам бизнинг шаҳримизда бўлди. Маданият уйларимиздаги вокал, ўзбек халқ чолғу асбоблари дасталари, хор жамоалари, турли хил тўгарак ва клублар ҳам моддий, ҳам маданий фойда келтирмоқдалар. Биргина ўтган йилнинг ўзида шаҳар маданият ишлари бўлими 50 минг сўмга яқин соф фойда кўрди.

... Одамийлик, ҳалоллик, иймон-эътиқодли бўлишлик, виждон амрига бўйсунишлик, ишчанлик, элга камарбасталик, халқ хизматига ҳозиру нозир туришлик, оддийлик, ширингуфторлик, ҳушмуомалалик сингари нодир фазилатлар баайни Оқилхон Эшончаевга хос. Машойихларнинг бири «Инсоннар моддий озуқа ейиш учун эмас, маънавий озуқа бериш учун бу дунёга келадилар» деганда минг бора ҳақлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳа, Оқилхоннинг ўзи ажойиб, палаги тоза оиладан чиққан. Оталари-Эшонхон пирим, оналари-Зуҳрахон ая саккиз фарзандни инсофу товфиқли қилиб тарбиялаган эдилар. Оқилхон уларнинг бешинчиси эди. Эндиликда ўз навбатида Оқилхон ва Инобатхонлар ҳам падарибузрукворлари ва волидаи муҳтарамалари изларидан бориб саккиз фарзандни балоғатга етказмоқдалар. Кўриб турибсизки, ғайритабиий бир шуур ва шукур бу оилага абадан ҳамроҳлик қилиб келади.

Яқинда яна бир хушхабар эшитдик. О. Эшончаев Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги томонидан маданий-маърифий ишлар аълочиси деган номга муносиб деб топилибди. Қутлуғ байрам — республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигига жойлардаги барча ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, жамоалар қизғин тараддуд кўрмоқдалар. Улуғ айёмни муносиб кутиб олишга тайёрланаётган маданият ва санъат ходимлари орасида Ангерн шаҳар маданият ишлар бўлими бошлиғи Оқилхон Эшончаевнинг борлиги ҳам бизни қувонтиради.

У. РАҲИМОВ.

Чорвачилик ва ислоҳот

МУАММОНИНГ ЕЧИМИ — НАСЛЧИЛИК

- **Тадбиркор ҳамиша изланиши керак**
- **Зотдор моллар 200 бошга етади**
- **Ҳар сигирдан кунда 30-35 литр сут**
- **Озуқа захираси ва рационда гап кўп**
- **Соф фойда 350 минг сўмдан ошади**

НАВОИЙ номли жамоа хўжалигининг вилоятда ўз муносиб ўрни ва мавқеи бор. Иқтисодий салоҳияти жиҳатдан Чиноз туманидаги энг бақувват хўжаликларнинг бири. Ҳар йили давлат топшириқлари бекаму кўст адо этиб келинади.

Бу йил ҳам ўша-ўша. Пилла, ғалла топшириш режалари, ҳатто, мажбуриятлари ошириб бажарилди. Ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида ҳам аҳвол кўнгилдагидай. Аммо раиснинг қайсидир бир учрашувда айтган бир луқма гапи сира ёдимдан чиқмайди:

— Пахтачиликдаги муаммоларни ҳал қилиш кўп жиҳатдан яхши ва эртаги пахта навларига боғлиқ бўлганидек, чорвачиликдаги муаммолар ечими, аввало, наслчиликка боғликдир. Яқин келгусида чорвачилик фермасини тумандаги энг намунали наслчилик базасига айлантириш ниятидамиз. Уни ким ошди савдосига қўймоқчимиз, — деган эди Жамолиддин Араббоев. Хўш, у нимага асосланиб шундай деди? Хўжаликда чорвачиликнинг аҳволи қандай?

Биз хўжалик сут-товар фермасида бўлганимизда раиснинг гапларида жон борлигига ишонч ҳосил қилдик. Фермада йирик шохли қорамоллар бош сони 618 та. Шундан сигирлар 180 бошни ташкил этади. Ҳозирги кунда сут бераётганлари 155 та.

Маҳсулдорлик кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, бу борадаги ютуқлар ҳам чакки эмаслигини кўрамиз. Умумий ҳисобда кунда ҳар бир сигирдан ўртача 10-12 литрдан сут соғиб олинмоқда. Ёки бошқача таҳлил қилсак, маҳсулот етиштиришда сезиларли ўсиш бор. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бу йил 25 тоннадан анча зиёд сут соғиб олинган.

— Чорва наслини яхшилашда гап кўп. — дейди бош зоотехник Ҳусанбой Араббоев. — Бусиз бирон-бир ютуққа эришиш, қандайдир мўмай даромад ҳақида ўйлаш хом хаёл. Осмондан чалпак ёғилмаганидек, ишимизнинг барорини ўзимиз ўйлашимиз, муаммоларимиз ечимини ўзимиз топишимиз керак. Шароит эса бор. Ҳаммаси фақат тадбиркорлик билан, эртани ўйлаб иш кўришимизда қолган, холос. Тўғри, кейинги йилларда чорвага эътибор анча сусайиб қолди. Наслли моллар сони кескин камайиб кетди. Бунга биринчидан, турли касалликларнинг тарқалаши сабаб бўлган бўлса, иккинчидан, зотдор молларни кўпайтириш ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Бу қандай оқибатларга олиб келганини бугун ҳамма яхши билади. Эндиги вазифа ана шу қўлдан бой берилган имкониятларни тиклашимиз, фермалардаги зотдор моллар сонини иложи борича кўпайтиришимиз лозим. Ислоҳотларни ўтказишдан мақсад ҳам, бугуннинг талаби ҳам шу.

Бундан икки йил олдин биз бу масалани жамоа хўжалиги раҳбарияти олдига кескин қилиб қўйдик. Мутахассислар ҳам бизни қўллаб қувватлашди. Талабимиз қондирилди. Биринчи галда фермадаги сермаҳсул, наслдор молларни ҳисобга чиқдик. Сўнгра лабораторияни янгитдан жиҳозлаб, молларни сунъий урчитиш ишларини йўлга қўйганмиз. Зотдор сигирлар ҳам шуларнинг парваришида. Улар фермада узоқ йиллардан бери ишлаб келишади. Бой тажриба тўплашган. Ҳар бир сигирнинг феъл-атворини яхши билишади ва шунга яраша муомалада бўлишади. Молбоқарларимиз Солижон Тожибоев, Аъзам Худойберганов ва бузоқбоқар Жамила Юнусовалар ҳам ана шу афзал усулга риоя қилишади. Бу яхши самара бермоқда, маҳсулдорлик тобора ортиб бормоқда.

Сутнинг кўпайиши, аввало, молларнинг озуқаси, рационига ҳам боғлиқдир. Хўш, фермада бу борада қандай тажрибага амал қилиняпти?

— Мен шу нарсани алоҳида таъкидламоқчиманки, — деди бу ҳақда сўз юритиб ферма мудири Алижон Абдураҳмонов, — молни сира алдаб бўлмайди. Унга нишхўрдга чиқмайдиган ширали ва хушхўр озуқа едирилгандагина мўлжалдаги сутни беради. Шунинг учун ҳам ҳозир моллариннг кундалик рационида кўк беда 50-55 килограммни, омухта ем ёки пахта шроти 4-5 килограммни ташкил этади. Йил фаслига қараб рацион ҳам ўзгариб боради.

Режага кўра бу йил чорва қишловига 620 тонна беда пичани, 420 тонна силос, 350 тонна озуқа лавлаги жамғаришни режалаштирганмиз. Ҳозиргача беда пичани жамғариш режаси 80 фоизга бориб қолди, 200 тоннадан анча зиёд буғдой сомони ғарамланди. Озуқа цехимиз тўла қувват билан ишлаб турипти.

Хўжаликда зотдор моллар сони йил охирига бориб 200 бошга етиши керак. Бу ўз навбатида ҳар бир сигирдан мавсумда ўртача 3200 ўрнига 3500 литрдан сут соғиб олиш имконини беради. Ўтган йили чорвачиликда 280 минг сўм соф фойда билан чиқилган бўлса, бу йил 350 минг сўм мўлжал олиняпти. Сут соғувчиларнинг ойлик маоши ҳозир 1200-1400 сўмни ташкил этмоқда. Аммо бу чегара эмас. Йил якунида уларни устама мукофотлар кутади.

Раиснинг ким ошди савдоси ҳақидаги гапи бугун ҳамманинг оғзида. Фермани сотиб олишга жамоа хўжалигининг ўзидан ҳозир уч талабгор бор. Омад кимга кулиб боқади, вақт кўрсатади.

Н.ҲИКМАТУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Қишлоқ ҳаёти

ЭСКИЛАРИ — ИШЛАМОҚДА, ЯНГИЛАРИ — ҚУРИЛМОҚДА

РАИС ҳамиша ҳар бир ишни бошқарув аъзолари билан бамаслаҳат амалга оширади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Жамоа хўжалиги раҳбари Асқарали Ўтамалиев сўзини диққат билан тинглаган фаоллар биринкетин фикр билдира бошладилар.

— Тўғри, — деди «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида кўп йиллардан бери бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келаётган Мухтор Ғоипов йиғилганларга қараб, — таклифни қўллаб-қувватлайман. Янги иш жойлари очиш учун барча имкониятлар бор. Бино масаласига келсак, кўп йиллардан бери бўш ётган эски омборхоналарни таъмирлаш кифоя... Бошқалар ҳам ўз сўзларида кичик корхоналар очиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиб, қишлоқларда ислоҳотларни жадаллаштириш тўғрисидаги дастлабки фармонлар эълон қилинган кунлар эди. Раҳбарнинг орзуси рўёбга чиқа бошлади. Дастлаб қоп тикиш бўйича цех фойдаланишга топширилди. Неча йиллардан бери уйда фақат ўз юмушлари билан овора бўлиб юрган тикувчи аёллар бу ишга жалб қилиндилар. Ёз, куз мавсумида тумандаги хўжаликлардан буюртмалар туша бошлади. Ҳар бир жамоа хўжалик берган буюртма асосида қоплар тайёрлаб берилди. Шу тариқа мижозлар кўпайди.

— Эндиликда Юқоричирчиқ туманидаги деярли барча хўжаликларнинг маҳсулотимизга эҳтиёжи ортиб бормоқда, — дейди раиснинг тижорат ишлари бўйича муовини Илларион Цой. — Айрим жамоалар қопнинг материалини олиб бермоқдалар. Уларга маҳсулот арзонга тушяпти.

Жамоа хўжалигида вермишел цехининг иш бошлаганига икки йил бўлди. Бу жойда тўрт киши иш билан банд. Ишчи Светлана Кимнинг айтишича, бир ойда 5 тонна унни қайта ишлаб вермишел чиқаришар экан.

— Дастгоҳларни қаердан олгансиз? — сўрадик ундан.

— Ўзимизнинг чилангарлар ясашган. Бизда ички имкониятлардан унумли фойдаланишади.

Жамоа хўжалигининг шлакоблок, ёғоч ни қайта ишлаш цехларида бўлганимизда бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Эски дастгоҳларни таъмирлаб, тадбиркорлар иш бошлашган. Даромад кўпайгач, улар янги технология сотиб олишни мақсад қилиб қўйишган.

Хўжаликнинг чорва фермасига йўл олдик. Бу ерда сутни қайта ишлаб, турли маҳсулотлар тайёрлайдиган цех фаолият кўрсатмоқда. Кичик корхоналар орасида энг кўп даромад берадигани ана шу цех экан. Маҳсулотлар дала меҳнаткашлари, чорвадорларга арзон, чет харидорларга келишилган нархларда сотилмоқда. Бу, табиий, албатта.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги жараёнида боқимандаликдан ҳоли бўлишнинг омиллари келгусида сутни қайта ишлаш цехини янада кенгайтиришни тақозо этаётир.

Бу хўжаликда йил бошида бўлганимизда консерва цехи қурилиши бошланган эди. Ҳозир у тайёр. Фақат, табиий газ билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиши лозим. Бошқарув ана шу масала билан изчил шуғулланмоқда.


Янги кичик корхоналар бунёд этиш, иш жойларини кўпайтириш борасида махсус режа ишлаб чиқилганини ҳам бизга сўзлаб беришди. Эндиликда бу тадбир маиший хизмат шахобчаларини очиш ва хусусийлаштириш ҳисобига рўёбга чиқарилади. Юртбошимизнинг қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш тўғрисидаги фармони хўжаликда изчил амалга оширилмоқда.


Ҳ. САИДВАЛИЕВ.

Суратларда: жамоа хўжалигидаги кичик корхоналар фаолиятидан лавҳалар.

Суратларни А. ТЎРАЕВ олган.







ФЕРМА СОТИЛДИ

ЎРТАЧИРЧИҚ. Тумандаги «Қорасув» жамоа хўжалиги сут-товар фермаси сотилди. Бўлиб ўтган ким ошди савдосида фермаининг энг охирги баҳоси 6 миллион сўм деб белгиланди ва уни шу баҳога тадбиркор Салим Аловуддинов сотиб олди.

Туман «Машъал» газетасида ким ошди савдоси ҳақида маълум қилингач, сотиб олувчилар сафи ортиб бормоқда. Яқинда яна «Ўзбекистон» ва «Янгитўлқин» жамоа хўжаликлари фермаларининг сотилиши ҳақида ҳам ахборот берилди.

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ САФИ ЎСМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафи туманда ўсиб бормоқда. Яқинда «Янгиҳаёт» қўрғонида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида шу қўрғон худудида яшовчи бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилиндилар. 11-боғча тарбиячилари Д. Адашева, М. Шарипова, мудира М. Машарипова, 58-дорихона мудири А. Абдиев, туман Ёшлар иттифоқининг иккинчи котиби Н. Алменқулов, чернобилчи А. Бектемиров ва бошқалар партия сафига қабул қилиндилар. Энг кекса аъзо роватоклик 104 ёшлик Рўзибой ота Қамбаров ҳисобланади.

БАЛЛИ, РАҲИМАХОН

А. Икромов номли жамоа хўжалигининг «Шодлик» болалар боғчасида тарбиячилар танлови ўтказилди. Тарбиячилар ўзларининг касб маҳоратларини нечоғлик эгаллаганликларини, зукколикларини, болажонликларини намойиш этдилар. Танловда туманга қўшни Оҳангарондан келин бўлиб тушган Раҳимахон Шарипова ғолиб чиқди. Унинг дугонаси Қурбоной Худойбердиева иккинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга ва бошқа иштирокчиларга хўжалик бошқаруви, касаба уюшмаси қўмитаси ва танловга ҳомийлик қилган Олмалиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг пул ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

У. ҲАМИДОВ, Ўртачирчиқ тумани.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

ТЕМУР ЯРАТГАН МАКТАБ

Газетамизнинг ўтган сонларида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти, халқимиз маданияти ва маънавиятига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида туркум материаллар эълон қилинган эди. Бугун эса кўпчилик муштарийларнинг илтимосига биноан Амир Темур даврида мамлакатни бошқариш, тижорат-савдогарлик, улуфа ва солиқ ишлари қандай йўлга қўйилганлиги хусусидаги навбатдаги мақола ҳукмингизга ҳавола этилмоқда. Ўз даврида енгилмас ва қудратли бир давлат барпо этган улуғ бобомизнинг салтанат ишларини юритишдаги мактаби чиндан-да қизиқарли мавзудир. Амир Темур бу хусусда шундай деган эди: «Мен салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилдим: кенгаш, маслаҳат-машварат, қатъий қарор, табиркорлик, хушёрлик ва эҳтиёткорлик!»

ДАРҲАҚИҚАТ, Амир Темур ўз давлатини бошқаришда ўзига хос мактаб яратди. Бу мактаб шундан иборатки, Бош бошқарма Девони бузург (бош вазир)дан ташқари, ҳар бир вилоятда девон давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилиб, халқнинг хулқ ва аҳлоқини ҳам кузатиб турарди. Вақти-вақти билан сўроқ-пурсиш, текшириш-тафтиш, тергов қилиш — таҳқиқ олиб борилган.

Соҳибқирон: «Вазирлар, бош котиблар, девон муншийлар (мирза, котиб) билан салтанатим саройини безадим. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибга солиб юритдилар. Салтанатим хазинасининг кирим ва чиқимига оид ишларни тўғри олиб бордилар»— деган эди.

Амир Темур салтанатини идора қилиш учун турли вазирлар фаолият кўрсатган. Шундай вазирлардан биринчиси — ер солиқларини, кўпроқ чегара божини ундириш ҳамда миршабхона ишларини бошқарган, мамлакатдаги муҳим тадбирларни, кундалик муаммоларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни, мамлакат ободонлигини, аҳолининг фаровонлиги ишларини ва ҳазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини кузатиб борган: иккинчи вазир — бу сипоҳ вазири ҳисобланиб, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳо (бу ерда тожу-тахт унинг қилган хизматлари эвазига берилган инъом маъносида) ларини бошқарган; учинчи вазир эса — эгасиз қолган, ўлиб кетган ва қочганларга тегишли молларни, келиб-кетаётган савдогарлар мол-мулкидан олинадиган закот ва божларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-яйловларини бошқариб, буларнинг барчасидан тўпланган даромадларни омонат тарзида сақлаган. Агар ғойиб бўлганлар ва вафот этганлар мол-мулки бўлса, улар меросхўрларига топширилган; тўртинчи вазир — салтанат ишларини юритувчи вазир эди. У жамики салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, ҳатто, отхона ва саройдаги бошқа жонзотларга қилинган харажатларгача огоҳ бўлиши керак бўлган. Бу ва бошқа вазирлар девонбегига бўйсунишган.

Соҳибқирон даврида ерга эгаликнинг бешта асосий кўриниши бор эди: 1) Суюрғол ерлар. Булар турли улкан ерлар бўлиб, давлат ерларидан ажратиб берилиб, бир наслдан иккинчи наслга ўтган. Суюрғол эгаси мазкур ердан фойдаланганлиги учун солиқ тўламай яшайди. Бу ер эгалари деҳқонларни ишлатиб, улардан ер солиғи — ҳирож олганлар; 2) Тархон ерлар. Бу ерлар хусусий мулк бўлиб, мулк эгасига бирон- бир хизмат учун берилган. Ердан келадиган жами даромад — фойдани фақат тархонлик ёрлиғини олсагина қўлга киритиларди. Ёрлиқ эгаси катта ҳуқуқларга эга бўлган ва ўзининг кейинги авлодларига, наслдан-наслга мерос бўлган; 3) Ушрий ерлар. Саййид ва хўжаларга мансуб ерлардир. Бунда олинган ҳосилнинг ўндан бир қисми давлатга бўлган: 4) Вақф ерлар. Масжид, мадраса, хонақоҳ, мозор ва шу сингари жойларга доир ерлардир. Вақфда ер, сув, бозор, қул, пуллар ва бошқалар молмулки билан инъом этиларди. Масалан, Амир Темурнинг Аҳмад Яссавий учун вақфномаси катта аҳамиятга эга, Аҳмад Яссавийнинг ва бошқа авлиёлар, дин пешволарининг қабрлари ва мақбараларига вақфдан маблағ ажратилган; 5) Аскарларга, аскарларнинг раҳбарларига бериладиган ерлар ҳам бўлган. Кимдаким бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз (ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот) қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёҳуд бирон хароб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмаганлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олишган. Учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ ҳирож йиғилган.

Амир Темур Инглиз ва Фарангистон қиролларига мурожаат қилиб, халқаро савдо алоқаларини ривожлантирди. Марказий Осиё орқали ўтадиган ипак йўлида карвонларнинг хавфсизлигини таъминлади. Машриқдан (шарқдан) Мағриб (ғарб)гача бўлган савдо-сотиқ ишларини кучайтириб, турли роботлар, карвонсаройлар, савдо расталари қурдирди.

Соҳибқирон 1365 — 1366 йилнинг қишида Қарши шаҳрининг атрофини девор билан ўраттиради. 1370 йили Самарқандни девор билан ўраб, қўрғон бунёд эттирган. 1380 йили Шаҳрисабзда Оқсаройни қуришга киришиб, шаҳар атрофини девор билан ўрайди. Бу



мисоллар айтиб турибдики, девор ва қўрғонлар бекорга барпо бўлмаган. Улар чегара вазифасини ўтаб, ташқи душмандан ҳимоядир. Маълумки, Амир Темур салтанатининг чегараси ҳарбий юришлар вақтида беқарор эди, лекин, шундай бўлишига қарамай, ҳеч ким унинг юртидан бирор бир нарсани ташқарига сўроқсиз олиб чиқиб кета олмаган. Кўҳна Турон юртига савдогарларнинг борди-келдисидан кўплаб асл моллар ва ашёлар кириб келган бўлса борки, уларни олиб чиқиб кетишда қаттиқ тартиб ўрнатилган. Улуғ жаҳонгир бу ҳақда: «Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни матласинлар, ўғри ва қароқчиларни жазоласинлар, ҳасадчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиқадиган ёт кишилар, ҳар мамлакатдан келган карвонлар ва ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил хабарларни (хабарнавислар) ростлик — тўғрилик билан менга ёзиб турсинлар. «Хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар»,— деган эди. Мазкур вазифаларни бажармоқ учун ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қутвол (қалъа бошлиғи) тайинланиб, улар сипоҳ ва раиятга соқчилик қилганлар. Агар бирон нарса ўғирланса, бунинг масъулияти унинг зиммасида бўлган. Ва яна йўл устига кузатувчилар, зобитлар (идора этувчи бошқарувчи, қўшин бошлиғи) тайинланиб, улар йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан манзилга етказиб қўйганлар. Йўл устида бирontасининг нарсаси йўқолса, ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлган.

Буюк жаҳонгирнинг мана бу сўзлари янада қимматлидир. «Ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирларининг бошини силадимки, турли мамлакатлардан менга хабар келтириб турдилар. Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин Хитой, Хўтан, Чин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистон, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб туҳфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар».

Амир Темур даврида улуфа (озиқ-овқат, маош ва солиқ тури) бериш қуйидагича эди: амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва бошқа сипоҳийларга ушбу тартибда маош берилган: оддий сипоҳийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариши шарти билан маоши минган отининг баҳоси бўлган. Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт отгача тайин қилинган. Ўнбошилар маоши қўл остидаги оддий сипоҳийларидан ўн баробар ортиқ бўлган. Юзбошилар маоши ўн бошиларга қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда эди.

Чорпилчор (уруш) вақтида хатога йўл қўйган сипоҳийларнинг маошидан ўндан бири камайтирилган. Ўнбоши юзбоши тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиғи билан, мингбоши бош амир тасдиғи билан улуфа олганлар. Бош амир ул-умаронинг маоши қўл остидагилардан ўн баробар, Девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирлар маошларидан ўн баробар ортиқ эди. Ясовул (хонларнинг кичик хизматчиси, қўриқчи), чововул (чопқунчи, асосан тунда ўтказиладиган босқин қатнашчиси), қалақчи (аҳолидан йиғилган ҳосилдан ҳирож миқдорини белгиловчи мансабдор)ларнинг маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан ўн минг тангагача бўлган. Саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахоналар, хабарчилар, тарихдонларнинг ўз ҳолларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгилаган. Пиёда, хизматчилар, фаррош (бу ерда палос тўшовчи маъносида)ларга юздан мингтача маош берларди. Умуман, давлат томонидан бериладиган маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар Амир Темурга етказиб турганлар.

Соҳибқирон мамлакатларни фатҳ этиш билан бирга, тўпланган мол-дунёни, олинадиган бож солиқларни хайрли мақсадлар учун сарф қилган: «тўпланган хазинадаги нақд пул ва қимматбаҳо буюмларни сипоҳларга тақсимлаб бердим. Қўшинга етарли даражада озуқа бердим»,— деган эди.

Маълумки, ҳирож — ер солиғи учун ва умуман даромад солиғи учун қўлланилган истилоҳ. Айрим ҳолда даромаднинг учдан бирини ташкил этган. Шунингдек, ҳирож «мол» деб ҳам аталган.

У вақтларда бозор аҳлидан солиқ олиш қалъа бошлиғи зиммасига юкланган. Ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан сари шумор (жон бошидан олинадиган солиқ) ва хона шумор (ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ) олинмаган. Раиятдан мол-ҳирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланилган. «Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради. Фатҳ этилган ерлик фуқаро азалдан бериб келган ҳирож миқдорига рози бўлса уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар. Ҳирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Фатҳ этилган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкини, буюмларини талон-тарождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа, молларни ҳисоб-китоб қилсинлар»,)— деган эди Амир Темур.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, улуғ бобомиз Амир Темурнинг буюк давлат яратиш ва уни бошқаришдаги ўзига хос мактаби бўлган. Салтанат даврида амалда қўлланилган энг яхши тажрибалар, давлатни юксалтиришдаги одил ва барқарор усуллар тарихий манба сифатида бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас.

Муроджон МИРЗАЕВ,
тарих фанлари номзоди, вилоят ҳокимлигининг етакчи мутахассиси.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ТЕЛЕФОНДА МУЛОҚОТ

● Россия Федерацияси президенти Борис Ельцин телефон орқали Германия Федератив Республикаси канцлери Ҳельмут Кол билан суҳбатлашди.

Россия Федерацияси президенти матбуот хизматининг маълум қилишича, суҳбат чоғида икки давлат раҳбарлари собиқ Югославия муаммосини ҳал қилиш хусусида ўзаро фикр алмашди. Ҳ. Кол Россия президентининг бу муаммони бартараф қилиш учун АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Россия давлатлари иштирокида анжуман уюштириш ҳақидаги таклифи тез орада амалга ошишига ишонч билдирди.

МОСКВАГА КЕЛДИ

● Сербия президенти Слободан Милошевич Россия президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан расмий ташриф билан Москвага келди.

С.Милошевич президент Б.Ельцин ва Россия ташқи ишлар вазири А.Козирев билан учрашди. Музокаралар чоғида Болқон ярим оролидаги муаммоларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

Сербия президенти, шунингдек, Россия Федерацияси ҳукумат раиси В.Черномирдин ва давлат думаси раиси И.Рибкин билан ҳам учрашди.

САМОЛЁТ ОЛИБ ҚОЧИЛДИ

● Россия ташқи ишлар вазирлиги Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида «Талибон» ҳаракати томонидан қўлга олинган самолет учувчиларини қутқариш учун ҳамма чораларни кўрмоқда, деб хабар беради РАТА — ТАСС ахборот маҳкамаси.

Маълумотларга қараганда, террорчилар 3 август куни Тирана — Шаржа — Қабул йўналишида учиб кетаётган самолёт учувчиларига қурол ўқталиб, самолётни Қандаҳор аэропортига қўндиришни буюрган.

Россия томони бу ҳолни халқаро ҳуқуқ талабларининг қўпол равишда бузилишидир, деб баҳоламоқда.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

МОСКВА. Россия Федерал бандлик хизмати (ФБХ) ҳисобкитобларига қараганда, айни пайтда мамлакатда 80,9 миллион нафар меҳнатга қобилиятли аҳоли мавжуд. Уларнинг 74,3 миллиони иқтисодий фаол ва 6,6 миллион нафари иқтисодий жиҳатдан фаол бўлмаган кишилардир. Мамлакатда истиқомат қиладиган 5,7 миллион киши ишсиз, бироқ, ишга жойлашишга интилмоқда. Йил бошидан буён иқтисодиётда банд бўлган кишилар сони 0,2 миллион кишига кисқарган бўлса, ишсизлар сони 0,4 миллион нафар ортган.

***

БОНН. Хитой яқин кунларда ядро қуролининг навбатдаги синовини ўтказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Германиянинг «Франкфуртер рундшау» газетаси «Гринпис» халқаро ташкилоти раҳбарияти маълумотларига таяниб, шу ҳақда хабар берди.

***

ВАШИНГТОН. Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи Энтони Блейк раҳбарлигидаги Клинтон маъмурияти дипломатия «командаси» собиқ Югославия можаросини ҳал этиш юзасидан «янги аниқ ғоялар» билан Европага жўнаб кетди. Оқ уй матбуот котиби Майкл Маккэрри журналистларга шу ҳақда маълум қилди.

***

АШГАБАД. Россия бош вазири ўринбосари Алексей Большаков раҳбарлигидаги делегация Туркманистонга расмий ташриф буюрди. У бу ерда Туркманистон бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Борис Шихмурадов билан учрашади. Музокаралар чоғида Каспий денгизи ҳавзасидаги давлатлар ҳамкорлиги мавзуси асосий ўринлардан бирини эгаллаши кутилмоқда.

***

МОСКВА. Россия стратегик таҳлил маркази мамлакатдаги партиялар, блоклар ва ҳаракатлар сайловолди оммавийлигини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар ўтказди. Маълум бўлишича, Россия компартияси 6,3 балл тўплаб биринчи, «Россия— наш дом» ҳаракати 6,2 балл тўплаб иккинчи, Жириновский раҳбарлигидаги либерал демократик партия эса 5,8 балл тўплаб учинчи ўринни эгаллаган. Тадқиқотлар ўтказишда сиёсий кучларнинг ташкилий тузилиши ривожи, интеллектуал имкониятлари, раҳбарларининг оммавийлиги, партиянинг обрўси, сайловчиларнинг улар учун овоз беришга тайёрлиги каби жиҳатлар ҳисобга олинган.

(ЎзА).

ҲАФТАЛИК TV ТВ TV КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 14

ЎзТВ I
17.55 Мустақиллик одимлари.
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.45 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
19.10 Футбол шарҳи.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ўзбектелефильм" кўрсатади: "Ўз ерининг эгаси".
20.15 "Андижонлик тадбиркорлар".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Шаҳар бедарвоза эмас...".
22.20 ЎзТВ фондидан. Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 1-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Қўзмунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Бу бўстон аро..."
19.40 "Оромгоҳлар қўйнида".
20.20 "Спорт-тайм".
20.50 — 22.20 "Офицерлар". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 22.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультикарусель".
19.00 "Денгиз тўр тўқувчи аёллари". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Жаҳон географияси".
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — "О".
23.25 Эълонлар.
23.30 "Курьер".
23.50 "...яна об-ҳаво ҳақида".
24.00 — 00.10 "Постфактум".

СЕШАНБА, 15

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 1-қисм.
9.05 Немис тили.
9.35 "Анъана ва замон".
10.25 "Ҳинд киноси саҳифалари". Киноконцерт.
11.10 "Болангиз мактабга тайёрми?".
11.40 — 13.40 "Умидлар йили". Видеоканал.
***
17.55 Мустақиллик одимлари.
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Бўй ўстирувчи дармон дори". Мультфильм.
18.15 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.40 "Юрт ҳақида қўшиқ". Телетомошабинларнинг талабларига биноан.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусиқий дақиқалар.
20.05 "Ўзбекона лутф".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Истиқлол ва истиқбол. "Тинчлик истар одамлар". Мусиқий композиция.
22.20 ЎзТВ фондидан. Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Эълонлар.
23.40 — 00.05 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
18.45 "Табиат дунёси".
19.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 "Теле-ательe-шоу".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.35

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Фильмлар ва тақдирлар".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.00 "Янги иқтисодиёт".
21.35 "Соккер-клуб".
22.20 "Жаҳон ва биз".
23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 16

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 Мақсуд Шайхзода. "Жалолиддин Мангуберди". Видеофильм. 2-қисм.
9.20 Алифбо сабоқлари.
9.50 Лирик концерт.
10.20 "Ёшлик" студияси. "Ойдин йўл".
11.00 "Табиат оғушида". Кинодастур.
11.40 — 13.40 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
***
17.55 Мустақиллик одимлари.
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. "Сеҳрли мўйқалам".
18.40 "Ислоҳот ва масъулият".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Истиқлол ва истиқбол. "Камчиқ довони — манзил давоми".
20.10 "Тановор" миллий рақс ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. "Дивертисмент" балет спектаклидан парчалар.
21.55 "Ғаройиб ҳодиса". Бадиий фильм.
23.00 Эълонлар.
23.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Навбаҳор" — "Наврўз".
23.50 — 00.15 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ёдингдами, дўстим...".
18.45 "Абадий қадриятлар".
19.20 Халқ саломатлиги йўлида.
20.05 "Шоҳсупа сари".
20.35 "Тошкент оқшомида".
21.35 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультикарусель".
19.00 "Дўстлар, ҳамкасблар".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 17

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Ёз кунларидан бирида". Бадиий фильм.
9.10 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
9.50 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
10.10 Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси талабаларининг концерти.
10.55 Янги китоблар.
11.25 — 13.25 "Маърифат". Видеоканал.
***
17.55 Мустақиллик одимлари.
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Уч қурбақа". Мультфильм.
18.20 Истиқлол ва истиқбол. "Тарих, тақдир, муносабат". Муҳаммад Раҳимхон Феруз.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Оламга саёҳат". Кинокўрсатув.
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Бу кўнгилдир, бу кўнгил...". Бастакор Комилжон Жабборов қўшиқлари.
22.15 "Товламачи". Бадиий фильм.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ахборот".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
18.30 Мустақиллик одимлари.
18.35 "Мультфейерверк".
18.55 "Қирол репортажи".
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 — 22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.50 — 22.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Романс кечаси".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Очиқчасига суҳбатлашайлик".
21.30 "Эллада".
22.15 "Қалбим кўри". Айдар Ғалимов.
22.55 — 23.25 "Уммондан томчи".

ЖУМА, 18

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Оролчадаги саргузаштлар". Бадиий фильм.
9.10 Немис тили.
9.40 "Ёшлар ва замон".
10.10 "Созимда севги васфи". Концерт.
10.40 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
11.10 "Аҳвол қандай, чемпион?".
11.35 — 12.05 "Бир актёр театри". С. Зуннунова. "Гуллар юзида ханда".
***
17.55 Мустақиллик одимлари.
Курсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. "Доно бобо даврасида".
18.50 "Сиҳат-саломатлик".
19.25 Эълонлар
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бевосита мулоқот.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.20 "Бардош". Бадиий фильм.
23.30 Эълонлар.
23.35 — 24.00 "Ахборот".

ЎзТВ II
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар дунёси.
19.00 "Билиб қўйган яхши".
19.25 "Тажриба ва тадқиқотлар".
19.55 "5+1". Ўсмирлар учун кўрсатув.
20.25 "Бизнес-академия".
20.50 "Тошкентнома".
21.50 — 23.00 "Шимоллик келин". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.50
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.50 — 22.50

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Уй-музейга таклиф этамиз".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
"ОМАД" таништиради:
19.50 Мустақиллик одимлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Кулгига нима етсин".
21.35 "Автосалон".
21.55 "Америка юлдузлари".
22.25 Эълонлар.
22.30 "Даракчи".
22.40 Эълонлар.
22.45 — 00.25 Видео — "О".

ШАНБА, 19

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Милициядаги ҳодиса". Бадиий фильм.
9.30 "Илҳом". Телевизион клуб.
10.15 "Ўзбекистон — Ватаним маним". Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 2 йиллигига бағишланган видеофильм.
11.55 "Миразиз куйлаганда". Фильм-концерт.
12.25 "Қувноқ стартлар". Белоруссия — Ўзбекистон мактаб ўқувчиларининг дўстона учрашуви.
13.10 — 14.10 "Ёшлик студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
***
17.55 Мустақиллик одимлари.
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. "Кичкинтоймиз — гижингтоймиз".
18.35 "Ёшлик" студияси. "Меҳригиё".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Тожикистонлик хонандалар Қодир Мирашуров ва Шуҳрат Давлатов.
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Мустақиллик одимлари.
21.30 Эълонлар.
21.35 "Меҳр қолур, муҳаббат қолур". Алп Жамол таваллудининг 80 йиллигига.
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" — "МҲСК".
23.20 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ательe-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
13.05 "Кинонигоҳ".
14.45 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Пульс". Хабарлар.
19.30 "Акс садо".
20.00 "Менинг кўчам".
20.15 "Антенна".
20.50 "Эсдалик учун дастхат".
21.15 — 22.45 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.30 — 20.45
*
20.45 — 22.00 ЎзТВ. Бадиий фильм.
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 — 23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Ғафур, Ҳамза ва бошқалар..."
11.00 "Диққат, табиат!". Телефильм.
11.30 — 12.35 Болалар учун фильм.
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультикарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Тайга фонидаги монолог". Телефильм.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Монитор-Осиё".
20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.45 "Ширу-шакар" (тожик тилида).
21.25 "Интердиалог".
22.05 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.15 — 22.45 "Тараққиёт".

ЯКШАНБА, 20

ЎзТВ I
6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Мустақиллик одимлари.
8.05 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 "Шоҳруҳ" клуби.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Умрнинг унутилмас лаҳзалари". Сулаймон Азимов.
11.45 "Цирк! Цирк! Цирк!".
12.30 "Қўшиқларим сизга армуғон".
13.00 — 14.00 "Театр ва замон".
***
17.55 Мустақиллик одимлари.
Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Мультипанорама".
18.35 I Марказий Осиё ўйинлари олдидан.
19.00 "Ойнаи жаҳонда...".
19.20 Мустақиллик одимлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Кўнгил".
20.10 "Ишингиз бароридан келсин!".
20.20 "Шарқ дурдоналари".
20.35 "Гиннес-шоу".
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Мустақиллик одимлари.
21.35 Эълонлар.
21.40 "Оҳанглар оғушида".
22.05 "Юлдузли онлар". Якшанба куни дастури.
00.15 Эълонлар.
00.20 — 01.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Темирйўлчи".

ЎзТВ II
"ОМАД" таништиради:
10.00 Мустақиллик одимлари.
10.05 "Мультфейерверк".
10.25 "Қирол репортажи".
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.25 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 "Жаҳон географияси".
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Кулгига нима етсин".
22.05 "Америка юлдузлари".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 — 21.55
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.55 — 22.25
*
22.25 — 23.45 ЎзТВ. "Ўғлингсиз келма". Бадиий фильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!". Мультфильм.
9.30 "Менинг кўчам".
9.45 "Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик".
10.45 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.25 — 12.35 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.10 "Мусиқий саёҳат".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Булоқлар кўз очганда".
20.30 "Дунё эшиги".
21.10 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.20 "Ўзбекистон — ҳамкорлик йўли".
23.00 "Бу ажиб дунё".
23.20 — 23.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЎЗБЕК ОЛИМИГА ПОКИСТОН МУКОФОТИ

Ўзбек олими Раҳмонберди Муҳаммаджонов урдушуносликни ривожлантиришда қўшган ҳиссаси, шунингдек, Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш борасидаги хизматлари учун Покистон Ислом Республикаси Президентининг Фармонига биноан «Шарафли меҳнати учун» нишони билан мукофотланди.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси Раҳмонберди Муҳаммаджонов меҳнат фаолиятининг асосий қисмини урду тилини ўрганиш, уни ўқитиш, ташвиқ қилишга бағишлаган педагоглардан эди. У узоқ йиллик муаллимлик фаолияти давомида кўп шогирдлар етиштирди, ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарларини урду тилига, Покистон ёзувчилари асарларини эса ўзбек тилига таржима қилди. Р. Муҳаммаджонов ўрта ва олий мактабларда урду тилини ўқитиш бўйича бир қанча методик қўлланмаларнинг ҳам муаллифидир.

Таассуфки, Р. Муҳаммаджонов бу қувончли кунларни кўролмади. Оғир касаллик туфайли у яқинда ҳаётдан кўз юмди.

Покистон ҳукумати мукофотни қабул қилиб олиш учун унинг қизи — Тошкент шаҳридаги 156-мактаб ўқитувчиси Сайёра Муҳаммаджоновани мамлакатга таклиф этди.

8 август куни Исломободда мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Покистон Ислом Республикаси Президенти Фаруқ Аҳмад Хон Легарий Р. Муҳаммаджоновнинг урдушуносликдаги, икки мамлакат халқлари ўртасида маънавий алоқаларни ривожлантириш йўлида қилган хизматларини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистоннинг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Наим Ғойибов иштирок этди.

(ЎзА).



ВИЛОЯТИМИЗ ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИ БЎЙЛАБ

СУРАТДА: Зангиота туманидаги Назарбек жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясининг марказий шифохонаси биноси.
Ш. Иброҳимов суратга олган.

ҚОЯГА ЎХШАТГИМ КЕЛАДИ УНИ

ЖАМОЛ яна қабристон томон йўл оларкан, ҳар галгидек теварак-атрофга қўрқув тўла кўзлари билан термулди. Сукунат унинг қалбига ваҳима солганди. Шу сабабли у қадамини тезлатди. Сал нарироқда — дўппайиб турган қабр ёнига бориб тиз чўкдида, йиғлаб юборди. «Дадажон, дадажоним, сизсиз нима қиламан энди?..»

Саккиз ёшида отадан етим қолган ўспирин эзилиб йиғларди. Шу куйи у узоқ ўтирди. Кейин хўрсина-хўрсина ўрнидан туриб уйига қайтди.

Узоқдан аёл кишининг қораси кўринди. Жамол кўз ёшини шошa-пиша артаркан, ўша тарафга назар ташлади.

— Яна бордингми? — сўради қаршисида пайдо бўлган онаси. Жамол «ҳа» дегандек, бош ирғиди, кейин оҳиста деди:

— Бир нарсани айтсам майлими?

— Нимани?

— Бизни ташлаб кетасизми?

Она бехосдан тушган мушт зарбидан эсанкираб қолган кишидек каловланди. Кейин «Ким айтди сенга бу бўлмағур гапларни?» деди-ю, батгар гангиб қолди.

Жамол индамади. Онаси кўксига бошини қўйиб, юм-юм йиғларди, холос.

Нега она ўз жигарпорасини ташлаб кетиши керак? Ёки оғзига кучи етмаган кишиларнинг уйдирмасими бу?

...Эльмира Қримдан Ўзбекистонга эвакуация қилинган минглаб болаларнинг бири эди. Отаси жангга кетган, онаси эса Тошкентга келибоқ оғир касалликдан кўз юмганди. Опасингилларини эса йўқотиб қўйганди. Ёш Эльмирани Тошкент туманидаги 6-болалар уйига қабул қилишди. Ўқувга иштиёқи зўр Эльмира ўрта мактабни тугатиб, Тошкент тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Ётоқхонада яшай бошлади.

Бир куни ўқишдан қайтаётганда у Абдуфаттоҳни учратиб қолди. Кўзлар тўқнашди, қалблар бир-бирига ҳамоҳанг ура бошлади. Абдуфаттоҳ ҳарбий хизматдан қайтган, гавдали йигит эди. Дастлаб Эльмира етимлигидан андиша қилиб: «Яхшиси ип чувалашмасдан узиб қўя қолай» — деган ўйга ҳам борди. Муҳаббат ипини узиб бўлармикин?! Абдуфаттоҳнинг ҳам қисмати Эльмираникига ўхшаш эди. Ота-оналари ҳаётдан кўз юмган, акалари, кенойилари қўлида қолган эди. Шунданми, икки ёш тез тил топишиб, тақдир ипларини бир-бирлари билан боғладилар.

Эльмира бу хонадонга тўртинчи келин бўлиб келди. Катта келинойиси Туҳфа опани у — катта ойи, кичик кенойиси — Қумри опани кичик ойи, Маъсуда кенойисини эса опажон деб чақирарди. Тўрт овсин бир ҳовлида

Оқибат

яшаб, бир қозондан овқатланишарди. Эльмира бешик тўйи, ҳатна тўйи сингари урф-одатларни шу даргоҳда билди ва бунга ўзи ҳам амал қилди, оила ҳурматини қозонди. Оилада Эльмирага ёрдамчи Наима туғилди. Кейин Абдуфаттоҳга йўлдош Жамил, Жалол, Жамол дунёга келишди.

Қандай чиройли, кўплар ҳавас қилса арзирли ҳаёт кечиришаётганди-я! Қизи Наимахонни узатиб, Жамилни уйлантиришганидан кейин Абдуфаттоҳнинг ҳаётдан насибаси узилди.

Эй воҳ, бефаво дунё! Шундай йўқотиш, ғам-андуҳлар гирдобидан чиқиб, қаддини ростлаб олган Эльмира Сатторовани яқинда Зангиота туманидаги «Наврўз» (илгариги «Партия XX съезди») жамоа хўжалигидаги бирлашган шифохонада учратиб, унинг сабр-бардошига қойил қолдим. Эри бошлаган иморатни ниҳоясига етказибди. Жалолни уйлантирибди.

Бу айтишга осон. Болаларга ҳам моддий, ҳам маънавий озуқа бериш, ҳам ота, ҳам она бўлиш оғир. Унинг устига бу орада ҳаёт жуда ҳам ўзгариб кетди. Қрим татарлар ўз юртларига қайтиш орзулари ушалган эркин кунга эришдилар. Эльмиранинг ёлғиз опаси ва узоқ-яқин қариндошлари ҳам манзилга отлана бошладилар. Ана шундай кезда Эльмиранинг кичик ўғли Жамол «Онам ҳам вақтисоати етиб келиб бизларни ташлаб кетадилар» деган хаёл билан тез-тез қабристонга бориб келадиган одат чиқарди. Юқорида Жамол: «Бизни ташлаб кетасизми» дея онасини саволга тутаётгани шундан. Лекин Эльмира...

— Тўғри, Қримда туғилганман, — дейди Эльмира. — Лекин мен Ўзбекистонда оёққа турдим. Бу тупроқда изларим бор. Фарзандларим, куёвим, келинларим, набираларим, қудаларим, қолаверса, Абдуфаттоҳ, Қрим табаррук жой, лекин, Ўзбекистон ҳам. Бунда ота-онам ҳоки, Абдуфаттоҳим ҳоки бор...

Назарида Абдуфаттоҳ туфайли у дунёни кўрди, ўзбекни таниди. Унинг дунёси «Наврўз» жамоа хўжалигидаги бирлашган шифохона, бир кунда неча бор қатнайдиган унинг бепоён йўллари, оддий, меҳнаткаш, қўли гул, ғуж-ғуж болага тўла кўчалари, файзли хонадонлари...

Болалар шифокори Эльмиранинг 30 йиллик меҳнат фаолияти жуда сермазмун. Бунда бир-бирига ўхшаш кунлардан ҳам бир-бирига ўхшамаган кунлар кўп. Бемор болаларни даволаш, турли касалликларнинг олдини олиш масалалари бўйича шифокорни нималар безовта қилаётгани билан қизиқаман.

— Одатда бир педиатр 800 болани муолажа қилиши керак. Ҳозир менинг зиммамда 1500 боланинг тақдири. Шундан ҳам билса бўладики, масъулиятимиз катта, — дейди Эльмира.

Бирлашган шифохона ҳамшираларидан Матлубахон Ғуломова, Тожихон Мирзаалимова, Суннатбек Давронбеков, Моҳира Қаюмхўжаева, Дилбар Ҳасанхўжаевалар сингари ҳамкасблари Эльмира Сатторова ҳақида илиқ гаплар айтишди. Кўринишидан оқ сариқдан келган, ўрта бўйли Эльмирани кўриб, уни қояга ўхшатгим келади. Тўфону бўронлар тупроқни лойқа сувга айлантириши, қуму тошларни узоқ-узоқларга оқизиб кетиши, ниҳолларни илдизи билан қўпориб ташлаши мумкин. Лекин, қояни йиқита олмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам бошини баланд тутиб, қаддини ростлаб, енгини шимариб, ҳаётга дадил қарайдиган одамларга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди. Умринг узоқ бўлсин, Эльмира!..

А. ФОЗИЛОВ.

«ТУРНАЧА» 30 ЁШДА

«ЧИРЧИҚҚУРИЛИШ» ҳиссадорлик жамиятининг 2-филиалига қарашли боғча ташкил этилганига 30 йил тўлди. Боғчада 103 нафар жажжи болажонлар тарбияланишмоқда. Мудира Татьяна Белевитина йигирма чоғли тарбиячиларга раҳбарлик қилиб, ўз ишига катта масъулият билан қарамоқда.

«Турнача» номи билан аталаётган боғчанинг ўттиз ёшга тўлгани муносабати билан ўтказилган тантанада «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви Япониянинг «Фунай» видеоаппаратини кичкинтойларга совға қилди.

ТЕСТ ҲАЯЖОНЛАРИ

ЧИРЧИҚ тиббиёт билим юртида бошқа ўқув юртлари сингари кириш имтиҳонлари тест синовлари орқали ўтказилди. Ўн биринчи синфни тугатган ўқувчилар учун ажратилган 230 ўринга 308 нафар, тўққизинчи синфни битирганлар учун 90 ўринга 169 нафар толиблар ҳужжатларини топшириб, синовдан ўтишди. Ҳадемай натижалар маълум бўлади.

Салима ЯМИНОВА.

Таҳририятга хат

ОТАНГГА БОР, ОНАНГГА БОР!..

Ҳурматли таҳририят! Ушбу хатни сизга Қибрай тумани «Яланғоч» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Байжигит кўчасидаги 4- ва 5-уйлар аҳолиси ёзмоқда.

Бу ердаги муаммоларнинг қайси бирини ёзишни ҳам билмайсан киши. Кўп қаватли уйларни сувсиз тасаввур қила оласизми? Биз яшайдиган 4- ва 5-уйлар (тўрт қаватли)га сув график асосида берилади. Яъни эрталаб соат 8.00 дан 11.00 гача, кундуз 14.00 дан 17.00 гача, кечқурун эса 20.00 дан 23.00 гача. Энди кўз олдингизга келтиринг. Эрталаб ишга кетувчи одам юзини ювишга бир томчи сув топа олмаса, нима бўлади? Ҳали буниси ҳолва. 3-4-қаватларга умуман кунлар исганидан буён сув чиққан эмас. Тепа қаватда яшовчилар, ҳаттоки, ҳожатхона учун ҳам сувни ташиб чиқишади. Соат бўйича сув берилса яхши, агар бермай қўйишса («насос куйди» каби баҳоналар кўп бўлади), аҳволни қўяверинг. Топган челак, топмаган чойнак, ишқилиб қўлига тушган идишни кўтариб, ҳовли уйлар эшигини тақиллатиб, сув сўраб юришади. Биз яшайдиган уйлар Таш. О.М.З.Ж.ККга қарашли уйлар. Уйлар эски бўлганлиги сабабли иссиқ сув тармоғига уланмаган. Ҳар бир хонадонга алоҳида сув иситувчи қурилма ўрнатилган. Бу қурилма шунақанги нарсаки, келаётган сувнинг босими бўлмаса, газ ёнмайди. Яъни сув исимайди. Сувнинг ўзи танқис бўлиб турган пайтда босими тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Ижара ҳақини тўлашга келганда сув учун алоҳида, сув иситиш қурилмаси учун алоҳида олишади. Сув иситиш қурилмаси учун ҳар ойда одам бошига 8 сўм 40 тийин тўланади. Ишламаган қурилма учун пул тўлаш емаган сомсага пул тўлаш дегани-ку. ЖКК эплай олмагач, ўзимиз уч ойдан буён пул йиғиб ахлатни машина ёллаб олдириб юрибмиз.

Сув масаласини эса ҳеч иложи бўлмаяпти. Ўзимиз Қибрай ҳудудида яшаганимиз билан ЖКК Тошкент шаҳрига қарашли экан. ЖКК раҳбарларига борса, Қибрайга боринглар дейишди. Ҳокимиятга борсак капитал ремонт қилиб беришса биз ўз балансимизга ўтказамиз, дейишади. Қисқаси, отангга бор, онангга бор!..

Ушбу масала бўйича 1995 йил 4 май куни Қибрай тумани ҳокимлигига ҳам хат ёзиб чиққанмиз. Хатимизни 228-рақам билан рўйхатдан ўтказишган. Бу хатнинг ижроси «Яланғоч» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Тўлқин Ўрмоновга топширилган экан, у киши бир марта келди-ю, қоп-қоп ваъдаларни бериб кетди. Шу-шу бошқа қорасини ҳам кўрсатмади.

Ҳурматли таҳририят! Ҳали сизга бу ердаги иситиш тармоғи, уйнинг ремонт талаб эканлиги тўғрисида гапирмадик.

Инсон учун энг асосий нарса бўлган оддий сувнинг дарди шунчалик оғир кечмоқдаки, бошқасини ўйлаш ортиқча. Сизлардан илтимос, газетадан битта мухбир келиб, ўз кўзи билан кўриб халқ билан бир дардлашса, зора бизга ҳам сувдан бемалол фойдаланиш бахти насиб этса.

Умид билан Қибрай тумани «Яланғоч» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Байжигит» кўчасидаги 4-ва 5-уйлар аҳолиси номидан:

Ҳ. РАҲМОНОВ.
Жами 40 имзо.

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛЧИЛАРИ — ПЕШҚАДАМ

Шу кунларда Тошкентда 1979 йил августида авиация ҳалокати туфайли ҳалок бўлган футболчилар хотирасига бағишланган ёшлар ўртасида халқаро футбол мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Мусобақада мамлакатимиз ёш футболчиларидан ташқари, уларнинг Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондаги тенгдошлари ҳам иштирок этмоқда.

Мусобақа икки гуруҳда ўтмоқда. Биринчи гуруҳда тўрт ўйиндан сўнг 9 та хол тўплаган Ўзбекистон пойтахти республика олимпиада ўринбосарларини тайёрлаш билим юрти командаси пешқадамлик қилмоқда.

Иккинчи гуруҳда Наманган вилоятининг «Хотира» командаси яхши натижа кўрсатмоқда. Унинг ҳисобида 7 та хол бор.

(ЎзА).

БОЗОР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Вилоят бозорларидаги ўзбошимчаликлар ҳақида

Халқимизда аҳволни билмоқчи бўлсанг бозор кез, деган азалий мақол бор. Чиндан ҳам қадим замонларда бозор эл-юрт ҳаётининг кўзгуси бўлиб келган. Ҳозир ҳам ана шундай, албатта. Айниқса, мамлакатимизда иқтисодий муносабатлар қарор топаётган ҳозирги пайтда бозорларимиз маъмурлашиб, пештахталар ўзимизда ишлаб чиқарилган ва шунингдек, бошқа жойлардан келтирилган турли хил маҳсулотларга тўлиб бормоқда. Нарх-наволар анча арзонлашди. Вилоят шаҳар ва туманларидаги бозорларнинг ички ва ташқи кўринишлари ҳам ўзгариб, обод ва кўркамлашиб боряпти. Янги-янги расталар, кулай омборхоналар, турли туман ноз-неъматлар билан савдо қиладиган дўконлар қурилиб ишга туширилди, саҳнларга асфальт тўшалиб, озода ва саранжом-саришта қилиняпти. Сирасини айтганда, буларнинг ҳаммаси харидор ва сотувчилар барча қулайликларга эга бўлишлари учун қилинмоқда. Айниқса, Тошкент вилояти ҳокимининг шу йилнинг 24 апрелида қабул қилган қароридан сўнг бу соҳада амалга оширилаётган ишлар янада кўпайди.

Вилоят ҳокимининг қарорида ҳамма жойда анъанавий бозор муҳитини қайта тиклаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, сотувчи ва харидорларга хизмат сифатини тубдан яхшилаш кўзда тутилган эди. Қарор қабул қилингандан бери орадан тўрт ой вақт ўтди. Ана шу давр мобайнида унинг ижроси қандай бўлди? Бозорларда таъмирлаш ишларини адо этиш, деҳқон бозорлари, ярмаркалар ва бошқа махсус ажратилган жойларда сотувчилардан олинадиган бир марталик йиғимлар борасида вазифалар қандай бажариляпти? Вилоят давлат солиқ бошқармаси ўтказган текшириш жараёнида ана шу саволларга жавоб олишга ҳаракат қилинди.

Молини сотиш учун бозорга келган кишига кўрсатиладиган хизмат, даставвал, пештахтадан жой олиб, паттачи назоратчи билан бўладиган ўзаро муомаладан бошланади. Шундай бозорлар борки, уларнинг ходимлари мол олиб келган одамни хушмуомалалик билан қаршилаб, савдо ўрни ва тош-тарози билан таъминламоқдалар. Паттачиларнинг тилидан бол томади. Сотувчи ҳам, бозор маъмурияти ҳам ана шундай муомала натижасидан хушнуд. Шундай бўлгач, кишилар сотадиган молини фақат шу ерга келтирибгина қолмай, бошқаларни ҳам шу бозорга келишга ундайдилар. Табиийки, бундай бозорларда мижозлар тобора кўпайиб бораверади.

Аммо, афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Ходимлари кўпол ва қўрс, ўз ҳамёнидан бошқа нарсани ўйламайдиган, одамлар билан беписанд муомала қиладиган бозорлар ҳам бор. Вилоят давлат солиқ назирлиги ходимлари текшириш ўтказганларида савдо қилгани келган кишилардан бозор ҳақини ундириш пайтида бирқатор жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани, пул олиб, чипта бермаслик ёки унинг аксинча, анча-мунча камомад топилди. Текшириш ўтказилган куни йиғилган патта пуллари бошқа кунларга нисбатан 11,5 минг сўм кўп бўлганлиги ҳам бозор йиғимларидан қай тарзда фойдаланилаётганлигини «кўрсатиб» турибди.

Чирчиқ шаҳрининг «Ором» дам олиш сайилгоҳида ҳам каттагина бозор бор. Эҳтиёт қисмлар сотиладиган бу бозор очилганига саккиз йил бўлди. Аммо шу пайтгача унинг на низоми ишлаб чиқилган ва на банкда ҳисоб рақами очилган. Бозор хизматчилари шаҳар ҳокимининг қарори билан патта тўлови йиғимини ҳокимликнинг махсус ҳисобига топширмоқдалар. Улар шунингдек бозорнинг ҳисоб рақами йўқлиги сабабли банк орқали ўтадиган барча ҳужжатларни ҳокимлик мутасаддиси ва ҳисобчиси имзоси билан амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар. Назорат қилиб борилмаганлиги сабабли паттачилар ўз билгиларича иш тутишга кўникиб кетишган. Интизом бўлмаган жойда эса бошбошдоқлик, давлат маблағини ўзлаштириш рўй бериши табиий, албатта.

Олмалиқ шаҳар деҳқон бозорида ҳам ана шундай тартибсизлик авжига чиқяпти. Солиқ ходимлари текширганида бозор хизматчилари— торозибон А. Насриддиновда 300 сўм, паттачи Ф. Аҳмедовда 270 сўм, С. Илтановда 101 сўм, Х. Холжигитовда эса 10 сўм камомад чиқди. Солиқчилар шу ерда «шаҳартайёрловсавдо» уюшмаси ишчиси Н. Усановнинг ҳам ноқонуний тарзда патта йиғимларини ундираётгани устидан чиқдилар. Ваҳоланки, уюшма ходимларига бундай ваколат берилмаган. Яна шуниси ажабланарлики, назоратчи-паттачилар Д. Турғунбоеваларнинг ўрнида «вақтинча»ишлаб турганмиш. А. Игизбоеванинг тўплаган патта йиғимлари ҳисоб-китоб қилинганида эса анча-мунча пул ортиқча чиқди. Устига устак у деҳқон бозори ҳисобхонасида шу йил 8 май куни ишлатилди деб ҳисобдан чиқарилган патталарни йиртиб бераётган эди. Солиқ ходимлари бу воқеа сабабларини суриштирганларида бозор раҳбарияти Игизбоеванинг ғайриқонуний иш қилганлигини тан олдилар.

Текшириш ҳужжатлари тегишли чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилди, албатта. Аммо, бозорларда рўй бераётган тартибсизлик, паттачи-назоратчиларнинг ўз ҳолича иш тутиши, бозор раҳбарларининг назорат ўрнатиш ўрнига қоидабузарларни «аллада азиз, тўрвада майиз» қилиб қўйганликлари замирида бошқа мақсадлар йўқмикан?!

Халқимиз айтгандай «бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур?!»

Қиссадан ҳисса шуки, «Вилоятгазтайёрловсавдо» уюшмаси раҳбарияти шаҳар ва туманлардаги бозорларда рўй бераётган турли хил қоидабузарликларнинг олдини оладилар ва тартиб ўрнатадилар, деган умиддамиз.

Р. ТУРСУНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Бу — қизиқ!

12 КИЛОЛИК ЧИГИРТКА

Бўйи 110 сантиметр келадиган чигиртка чорак гектар майдондаги жўхоризорни шипшийдон қилди. Фермер Барри Дислер уни 30-калибрли милтиқдан отиб ўлдирмаганда, ким билсин яна қандай офатлар келтирарди.

Янги Зеландиянинг Рифтон шаҳри университети мутахассислари ҳозир 12 килограммлик бу ҳашарот қаердан келиб қолгани ва бунчалик баҳайбат бўлиб кетганлиги сабабини ўрганишмоқда.

ЧАҚМОҚДА ҚИЛИНГАН ТАЖРИБА ФОЖИАГА АЙЛАНДИ

Момақалдироқ вақтида варрак учирган Самир Наби Бен Франклиннинг машҳур электр тажрибасини такрорламоқчи бўлганида чақмоқдан нобуд бўлди. Фожеа Қоҳирада, Фуад деган одамнинг кичик қаҳвахонаси олдида рўй берди. Наби варрак ипига металл калитни илиб ушлаб турганди. Унинг тажрибасини томоша қилишга келиб анграйиб турган олти нафар йигит ҳам чақмоқ қурбони бўлишди.

БЎЙДОҚ ЙИГИТЛАР ОРОЛИ

Италия соҳиллари яқинидаги Пантелерия оролида 3 минг бўйдоқ йигит ва 20 нафаргина турмуш қурмаган аёллар яшайди

— Агар сиз орзу қилган эркакни Пантелерияда топмасангиз, уни ҳеч ерда учратолмайсиз, — дейди аёлларни оролга келишга ундовчи тижорат фирмаси вакили.

СИЧҚОН... МУШУКЧАНИ БОҚДИ

Жанубий Африканинг Кейптаун шаҳрида Лакки лақабли мушукчанинг онаси у туғилгандан сўнг кўп вақт ўтмай ўлиб қолганди. Бечора мушукча янги она топмаганда ўлимга маҳкум бўлиши шубҳасиз эди. Ким унга энагалик қилди денг? Мушукларга емиш бўлиб юрадиган сичқон. Котиба аёл Милли Жонсоннинг ошхонасида ҳозир мушукча билан ана шу сичқон бир идишдан сут ичиб, пишлоқ бўлакчаларини еб юрибди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир, муовини: Раҳимберди УМАРОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Руйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0337. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 17.00. 1 2 3 4 5 6